

## АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Эшмуродова Севинч Улуғбек қизи

ҚарМIIИ талабаси

### ARTICLE INFO.

**Калит сўзлар:** банк, банк тизими, пул, кредит, тижорат банклари, омонатлар, банккомат, автоматик тизим.

### Аннотация

Ушбу мақолада аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда тижорат банкларининг роли ва аҳамияти ҳақида ҳамда тижорат банкларига омонатларни жалб этишда электрон тизимни йўлга қўйишнинг афзалликлари ҳақида фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифлар келтирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

### Кириш.

Бугунги кунда Мамлакатимизда кўплаб соҳаларда, хусусан иқтисодиётда ва банк тизимида самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Тобора шиддатли кечаётган замонга мутаносиб равишда мамлакатимиз банк тизими ҳам ўзгариб, кундан кунга янгиланиб бормоқда. Ушбу янгиланишлар замирида соҳанинг ҳуқуқий базаси ва ҳимояланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида ҳам банк амалиётлари билан боғлиқ норма ва қоидалар киритилиб, унинг муҳофаза даражасини янада оширади, барқарорлигини таъминлайди, фуқароларнинг банкларга бўлган ишончини оширади.

Биламизки, халқ орасида банк бу - пул омбори деган тушунча билан юради. Ҳақиқатда эса банкни бу тушунча билан моҳиятини очиб бўлмайди ва банкнинг халқ хўжалигидаги тўлиқ ўрнини кўрсатиш мумкин эмас. Бироқ янада кенгроқ маънода банк моҳиятини билиш учун банк тушунчасининг турли қарашларини ўрганишни талаб қилади.

**Адабиётлар шарҳи.** Банк — бу аҳоли ва ташкилотлардан пул маблағларини қабул қилиш, уларни сақлаш ва ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек кредитлар ва бошқа молиявий хизматларни тақдим этиш билан шуғулланадиган молиявий муассаса. Банклар молия бозорининг асосий иштирокчилари бўлиб, уларнинг фаолияти мамлакат иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатади<sup>1</sup>.

Россиялик олимлардан Е.Ф.Жуков, Л.М.Максимова, О.М.Макароваларнинг фикрича, банк – тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, унинг фаолияти ссуда капиталининг ҳаракати, яъни уларни жалб қилиш ва жойлаштириши билан бевосита боғлиқдир<sup>2</sup>, деган фикрни илгари сурадилар.

<sup>1</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Bank\\_va\\_bank\\_tizimining\\_tarixi\\_va\\_rivojlanishi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Bank_va_bank_tizimining_tarixi_va_rivojlanishi)

<sup>2</sup> Е.Ф.Жуков, Л.М.Максимова, О.М.Макарова и. д.р. Банки и баковские операции: Учебник для вузов. – М.:Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997, с-6

Ўзбек олимларидан А.А.Омонов ва Т.М.Қоралиевларнинг фикрича, банк – бу молиявий муассаса бўлиб, жамиятдаги вақтинчалик бўш турган пул маблағларини тегишли шартлар билан жалб этиб, ушбу маблағларга эҳтиёжи мавжуд бўлган юридик ва жисмоний шахсларга қайтаришлик, муддатлилиқ, тўловлилиқ ва таъминланганлик асосида кредит берадиган ва улар учун турли воситачилиқ хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотдир<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида айтилишича, **банк** — банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс.<sup>4</sup>

**Таҳлил.** Тижорат банклари банк тизиминининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларнинг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар ҳуқуқий, жисмоний шахсларга ўз хизматларини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида банк тизимини мунтазам ислоҳ қилиш ишлари амалга оширилиб келмоқда. “2005–2007 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури”да белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши банклар капиталлашув даражаси ва кўрсаткичларининг барқарор ўсишини таъминлаган ҳолда, банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва либераллаштиришда муҳим омил бўлди.

Яна эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонининг **III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида** “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш” **вазифаси алоҳида таъкидлаб ўтилди.**<sup>5</sup>

Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон кадри, унинг манфаатлари ва халқ учун кенг кўламдаги ўзгаришлар ўз аксини топмоқда. Бунга мисол қилиб, Конституциянинг 41-моддасида айтилишича, “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банк операцияларининг, омонатларнинг ва ҳисобварақларнинг сир тугилиши, шунингдек мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади”<sup>6</sup>

**Натижа ва муҳокама.** Кредит ресурсларини йиғишда банкларда омонат турларини кенгайтириш ҳамда омонат жалб қилиш учун аҳолига қулай шароит яратиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда тижорат банклари фақатгина кредит бериш билан эмас, балки омонатлар жалб этиш билан ҳам кенг шуғулланмоқда. Аҳоли ўртасида банк омонатларига бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. Банкларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш шакллари нафақат оффлайн, балки онлайн тарзда ҳам амалга оширилмоқда. Айниқса, банкоматлар орқали нақд пул олиш, банкоматлар орқали коммунал тўловларни амалга ошириш ишлари анча оммалашди. Банкоматлар орқали тўловларни амалга оширишнинг энг асосий афзалликларидан бири – бу вақт чегарасининг йўқлигидир. Бу ҳам аҳоли учун қулайликлардан биридир. Худди шунингдек,

<sup>3</sup> А.А.Омонов ва Т.М.Қоралиев. Пул ва банклар. Дарслик. –Т., “Иқтисод-Молия”, 2019,- 448 б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 8 февраль

<sup>6</sup> <https://lex.uz/docs/6445145>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023

Биз тадқиқотларимиз натижасида банкларга аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича бир қанча ишларни амалга оширдик. Биз бу бўйича банкларга Автоматик тўлов машинасини жорий қилиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқдик. Ва бу лойиҳа Unicorn-akselerator нинг лойиҳалар танловининг биринчи босқичидан танлаб олинди. Бу лойиҳамиз ҳақида қисқача тўхталиб эътибор бериш бўлса, АТМ (Automated Teller Machine) - бу автоматик тўлов машинаси, банкнинг хизмат кўрсатиш тизимида мижозларга қулайлик яратиш учун ишлатилади. Бу машинада мижозлар омонотларини жорий этиш, ҳисобварақни текшириш, нақд пул олиш ва бошқа бир неча амалларни бажариш имконияти мавжуд.

АТМлар банкнинг хизмат кўрсатиш тизимида кўп ёрдам беради, чунки мижозлар банк филиалига келмасдан ҳам омонотларини жорий этиши мумкин. АТМ-лар 24 соат ишлайди ва мижозлар учун қулайлик яратади. Қоғоз кўрсатмаслик имконияти ҳам бор, шунинг учун мижозлар қоғоз кўрсатмасдан чиқишлари мумкин.

АТМ-лар банклар учун ҳам мижозлар учун ҳам қулай хизматдир. Бу машиналар орқали омонотлар жорий этиш, ҳисобварақни текшириш ва нақд пул олиш имконияти мавжуд.

Face-ID тизими, фойдаланувчининг юзидаги бошқа одамлардан фарқини аниқлаш учун бир неча турдаги сенсорларни ишлатади. Бу сенсорлар орасида Dot projector, infrared kamera ва flood-illuminator мавжуд.

Тизимнинг вазифаси фойдаланувчининг юзидаги нуқта яширинларини ўқиб чиқариш ва барча нуқталарни таҳлил қилишдир

### **Хулоса.**

Бозор иқтисодиёти ва жаҳон ҳўжалиги ривожланиши билан банк тизими ҳам ривожлана бори. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк хизматларининг ҳам ўрни бекиёс бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда тижорат банклари етарли даражада техник жиҳозланганлиги ҳамда керакли ахборот базаларига ва малакали кадрларга эгаллиги банкларни ўз навбатида қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчиларидан бири қилиб қўймоқда. Қимматли қоғозлар бозорида банклар бир вақтнинг ўзида ҳам инвестор ҳам эмитент сифатида қатнашмоқда. Банкларнинг бошқа ҳўжалик субъектларига нисбатан стабил молиявий ҳолатга эгаллиги қимматли қоғозлар бозорида операцияларда қатнашишга имкон бермоқда..

Шундай экан, бугунги кунда ҳар бир тижорат банки ўз даромадларини ошириш, рақобат муҳитида инқирозга учрамаслиги учун ўз фаолияти соҳасида бир қатор вазифаларни амалга ошириши лозим. Буларга мисол қилиб қуйидагиларни айтишимиз мумкин: банкларни молиявий хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш; тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида акциялардан ташқари депозит ва жамғарма сертификатлар билан ишлашни ҳам йўлга қўйиши; жаҳон банклари иш фаолиятидаги каби ахборотларни сотиш ва молиявий маслаҳатлар каби хизматларни йўлга қўйиш; тижорат банкларида «Траст» хизматлари фаолиятини кенгайтириш ва ҳоказолар.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Е.Ф. Жуков, Л.М. Максимова, О.М. Макарова и. д.р. Банки и банковские операции: Учебник для вузов. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997, с-6
2. А.А. Омонов ва Т.М. Қоралиев. Пул ва банклар. Дарслик. –Т., “Иқтисод-Молия”, 2019,- 448 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 8 февраль
5. <https://lex.uz/docs/6445145>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023
6. Zoyirovna, M. K. (2022). Dynamics of attracting foreign investments to the economy of kashkadarya region and the factors affecting it. *Gospodarka i Innowacje*. 29, 226-233.
7. Zoyirovna, M. K. (2022). Importance of enterprises with foreign investment in the development of the regional economy. *Gospodarka i Innowacje*. 29, 219-225.
8. Muzaffarova, K. Z., & Abdugarimov, X. R. (2023). Xorijiy investitsiyalarni jalb etishda tijorat banklarining faolligini oshirish asoslari. *Gospodarka i Innowacje*. 473-478.
9. Музаффарова, К.З., & Эшмуродова, С. У. (2023). Иқтисодийнинг ривожланишида тижорат банкларининг инвестицион фаолиятининг аҳамияти. *Gospodarka i Innowacje*. 371-376.
10. Бердиев, А. Ҳ. & Музаффарова, К. З. (2023). Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этишининг аҳамияти. *Gospodarka i Innowacje*. 145-151.
11. Узоков, Н. Хушмурадов, О. Х. & Бабаева, Л. (2014). РОЛЬ ИНВЕСТИЦИИ В МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИИ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ. In *ФЕНОМЕН РЫНОЧНОГО ХОЗЯЙСТВА: ОТ ИСТОКОВ ДО НАШИХ ДНЕЙ* (pp. 376-378).
12. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje*. 29, 202-206.
13. Хушмурадов, О. (2023). ҒАЛЛАЧИЛИКДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЭРКИН РАҚОБАТ ГАРОВИ. *Gospodarka i Innowacje*. 411-419.
14. Хужакулов, Х. Д. & Хушмурадов, О. Н. (2023). Ўзбекистонда Демографик Жараёнларнинг Ўзига Хос Хусусиятларининг Статистик Таҳлили. *Gospodarka I Innowacje*. 9-18.
15. Хуррамов, А. Ф. Туробов Шерзод Алишерович, & Мингбоев Шухрат Мингбой Ўғли (2018). Уй хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантиришининг иқтисодий механизми. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (8), 16-20.
16. Хуррамов, А. Ф. Маматов, А. А. Мингбоев, Ш. М. Ў. & Туробов, Ш. А. (2018). Иқтисодий ресурсларнинг доиравий айланиш моделида уй хўжалигининг тутган ўрни. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (9), 2-6.
17. Fayzullayevich, X. A. (2023). ECONOMIC SECURITY AS A NECESSARY CONDITION FOR THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE ECONOMIC SYSTEM. *Gospodarka i Innowacje*. 185-191.
18. Fayzullayevich, X. A. (2023). THE LEVEL OF ECONOMIC SECURITY OF KASHKADARYA REGION AND THE METHODOLOGY OF ITS ASSESSMENT. *Gospodarka i Innowacje*. 420-425.
19. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).
20. Муродов, Ж. (2022). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ. *Economics and education*, 23(Maxsus\_son), 576-581.
21. Utanov, B., Mamatkulov, B., Akhmedova, M., Murodov, J., & Abdikulova, D. (2021). Correlation of the Interaction of Agricultural Production with the Volume of Dehkanproduction in Uzbekistan. *Ilkogretim Online*, 20(3), 1706-1717.

22. Муродов, Ч. & Муродова, М. (2014). Агрокластер: ташкил этишнинг назарий асослари. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (2), 19-25.
23. Alisherovich, T. S. (2023). IMPROVING ACCOUNTING AND ITS MAINTENANCE IN BANKS. *Gospodarka i Innowacje*. 31, 15-20.
24. Alisherovich, T. S. (2023). ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT POLICY IN RURAL HOUSEHOLDS. *Gospodarka i Innowacje*, 37, 128-132.
25. Туробов, Ш. А. (2023). УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ. *Gospodarka i Innowacje*. 426-431.
26. Туробов, Ш., & Намозов, Б. (2023). TIJORAT BANKLARI FAOLIYATI TAHLILINI TASHKIL QILISH. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(S/3), 127-133.
27. Alisherovich, T. S., & Ugli, N. B. B. (2023). Internal Control in Banks. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 3(3), 34-39.